ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЯРОВА ШАҲНОЗА ШАВКАТОВНА

ДАРЁЛАР ОҚИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА БАҲОЛАШ (ЗАРАФШОН ДАРЁСИ МИСОЛИДА)

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2026

УДК: 551.482.2 (575.141)

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on geographical sciences

Худоярова Шаҳноза Шавкатовна
Дарёлар оқимининг шаклланишини географик ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш (Зарафшон дарёси мисолида).....3

Худоярова Шахноза Шавкатовна
Оценка формирования речного стока с использованием географических информационных систем (на примере реки Зеравшан)….....21

Khudoyarova Shakhnoza Shavkatovna
Assessment of river runoff formation using geographic information systems (a case study of the Zarafshan River).....….……...……....….....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….....43

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЯРОВА ШАҲНОЗА ШАВКАТОВНА

ДАРЁЛАР ОҚИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА БАҲОЛАШ (ЗАРАФШОН ДАРЁСИ МИСОЛИДА)

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Gr272 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Хайдаров Сафарбой Абдирашитович** география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий оппонентлар:	**Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович** география фанлари доктори, профессор
	Рапиқов Баркамол Рустамжон ўғли география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти” Миллий тадқиқот университети**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «3» декабрь соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: 71 235-85-12, факс: 71 237-13-19, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№ 243 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «9» ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил ____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., катта илмий ходим

Д.М.Турғунов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобал иқлим ўзгариши шароитида, тоғ дарёлари ҳавзалари гидрологик режимида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда: қор ва музликларнинг эриши жадаллашиб, дарёлар оқимининг мавсумий ва кўп йиллик тақсимотида маълум даражадаги ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон сув ресурслари ҳолати ҳақидаги ҳисоботида “ ... жаҳондаги кўплаб мамлакатларда чучук сув экотизимлари, хусусан, дарёлар, кўллар кучли деградацияга учрамоқда.” деб таъкидланган[1]. Тоғ дарёлари оқимини миқдорий баҳолашда географик ахборот тизимлари (ГАТ) ва масофавий зондлаш технологияларининг юқори аниқликдаги маълумотларни олиш, ҳудудий ўзгаришларни тезкор аниқлаш ҳамда кўп йиллик динамикани таҳлил қилиш имкониятлари тоғ дарёлари оқимини миқдорий баҳолаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини замонавий усуллар асосида тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Дунёнинг арид минтақаларида бугунги кунда тоғ дарёлари оқимини иқлим омиллари таъсирида миқдорий баҳолаш, шунингдек, дарё ҳавзаси бўйича оқим кўрсаткичларини аниқ ҳисоблаш масалалари устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Шу муносабат билан дарё оқимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, рақамли платформалар маълумотлари асосида оқим кўрсаткичларини таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар кенг қамровда амалга оширилмоқда. Хусусан, геоахборот тизимлари технологияларидан фойдаланган ҳолда дарё оқимини аниқлаш, шу асосда сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сув ресурсларини оқилона бошқариш, тоғ дарёлари оқимини ва сув таъминоти тизимларини самарали эксплуатация қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030 стратегияси”да “Узоқ муддатга мўлжалланган республиканинг сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизимини жорий қилиш”[2] вазифаси белгилаб берилган. Бу борада, Зарафшон дарёси оқимини ГАТ технологиялари асосида миқдорий баҳолаш, масофадан зондлаш маълумотлари ва рақамли платформалардан фойдаланиб оқим кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда сув ресурслари балансини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

---

[1] Three reports on freshwater from UN-Water and the United Nations Environment Programme (UNEP). Nairobi, 28 august 2024. https://www.unep.org/news-and-stories/press-release/half-worlds-countries-have-degraded-freshwater-systems-un-finds

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–16-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ–6024-сон Фармони, 2024 йил 7 майдаги «Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида»ги ПФ-74-сон Фармони, 2025 йил 16 сентябрьдаги "Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 286-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикасида сув хўжалиги балансларини тузиш тартиби тўғрисида"ги 545-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологияларидан фойдаланиб, тоғ дарёлари оқимини миқдорий баҳолаш, сув ҳавзаларидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва сув объектларини мониторинг қилиш масалалари I.Alberico, E.H.Boak, I.L.Turner, S.Maiti, S.K.McFeeters, A.K.Mishra, V.P.Singh, S.A.White, Y.Wang каби чет эллик олимлар томонидан бажарилган.

Собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатларида ушбу йўналишлардаги тадқиқотлар С.С.Шулц, И.Г.Шумков, Г.П.Калинин, Ю.В.Курилова, А.М.Комлёв, И.Ш.Норматов, П.И.Норматов, Ф.А.Шарофзода ва бошқалар алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўзбекистонда бу борадаги илк тадқиқотлар В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Л.Н.Бабушкин, В.А.Бугаев, А.М.Овчинников, В.Е.Чуб каби олимларга тегишлидир. Ҳозирги кунда мазкур муаммоларга бағишланган ишлар орасида Ф.Х.Хикматов, Б.К.Царев, Э.И.Чембарисов, С.В.Мягков, Б.Е.Аденбаев, Ғ.Х.Юнусов, Ф.Я.Артикова, Л.М.Карандаева, С.А.Хайдаров, Д.Н.Ширинбоев, Р.Р.Зияев, Ш.Р.Ғаниев ва бошқалар тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу тадқиқотларда дарё оқимининг ҳосил бўлишида иқлимий омилларнинг таъсири, оқимнинг ҳосил бўлиши қонуниятлари, оқимнинг ўзгаришлари таҳлил қилинган.

Мазкур тадқиқот иши Зарафшон дарёси оқимини миқдорий баҳолаш, дарё оқимига иқлимий омиллар, жумладан, ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг таъсирини таҳлил қилиш ҳамда рақамли платформалар орқали дарё ҳавзасидаги оқим кўрсаткичларини географик ахборот тизимлари асосида баҳолаш масалаларига бағишланганлиги билан аввалги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети География ва экология факультети Геология ва гидрометеорология кафедрасининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилаётган «Янги Ўзбекистонда замонавий илмий тадқиқотларнинг амалий йўналишлари: ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш муаммолари, иқлим ўзгариши ва унга мослашиш, сув ресурсларини интеграл бошқариш ҳамда геоинформацион картографиянинг замонавий муаммолари» бош илмий мавзусининг Зарафшон дарёси ҳавзасида сув ресурсларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва дарё оқими кўрсаткичларини геоахборот технологиялари, масофадан зондлаш маълумотлари ҳамда рақамли платформалар асосида мониторинг қилиш ва баҳолашга оид йўналиши бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон дарёси оқим кўрсаткичларини геоахборот тизимлари орқали мониторинг қилиш, миқдорий баҳолаш ҳамда уларнинг иқлимий омиллар билан боғлиқ ўзгаришларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон дарёсининг тоғли қисмида қирғоқ чизиғи ўзгаришларини сунъий йўлдош тасвирлари асосида таҳлил қилиш учун сув объектларини ажратишда NDWI ва MNDWI сув индексларини қўллаш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш;

1990–2022 йилларда мултиспектрал сунъий йўлдош тасвирлари асосида дарё қирғоқ чизиғи ўзгаришларини аниқлаш ҳамда Google Earth Engine платформасида сув–қуруқлик чегаралари динамикасини кузатиб, сув юзаси майдонини автоматик ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

танланган давр учун ГАТ технологияларидан фойдаланиб MNDWI сув индекси асосида вақт қаторларини шакллантириш ва таҳлил қилиш, шу билан бирга уларни визуализация қилиш имконини берувчи платформани яратиш;

дарё оқимининг ҳосил бўлишига турли иқлимий омиллар, яъни ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг таъсирини реанализ маълумотлари асосида баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Зарафшон дарёсининг юқори оқими, тоғли қисми танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Зарафшон дарёсини оқимини иқлимий омиллар таъсирида ўзгаришини ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрологик ҳисоблашлар, математик статистика, эҳтимоллар назарияси усуллари, картографик тадқиқот, геоахборот тизимлари ва сув индексларини баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланиб Зарафшон дарёси учун танланган турли сув индекслари натижалари ўзаро солиштирилиб, уларнинг самарадорлиги аниқланиб улар асосида сув юзаси ва қирғоқ чизиғи ажратиб олинган;

Google Earth Engine платформасидан фойдаланган ҳолда сунъий йўлдош тасвирлари асосида қуруқлик ва сув юзаси майдони чегарасидаги ўзгаришларни субпикселли аниқликда кузатиш имконини берувчи автоматик ҳисобловчи алгоритм ишлаб чиқилган;

сув индекси асосида дарё оқимининг вақт кетма-кетлиги (time series) бўйича йиллар кесимидаги ўзгаришларини визуализация қилувчи платформа яратилган.

дарё оқимига иқлимий омиллар (ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари) таъсири рақамли платформадан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, аниқланган метеорологик қийматлар ёрдамида оқим кўрсаткичлари (Q, W, M, Y, K_i) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёси қирғоқ чизиғининг 1990–2022 йиллар оралиғида ўзгаришлари масофадан зондлаш тизимлари ёрдамида таҳлил қилинган;

нейрон тармоқлари асосида илк бор автоматлаштирилган усул ишлаб чиқилди ҳамда шу асосида қуруқлик ва сув юзаси майдони чегарасидаги ўзгаришларни субпикселли аниқликда кузатиш имконини берувчи тизим яратилган;

мултиспектрал сунъий йўлдош тасвирларини қайта ишлаш ва таснифлаш натижалари асосида маълумотларнинг самарадорлиги баҳоланган;

дарё оқимига иқлимий омиллар таъсирини рақамли платформалар ва геоахборот маълумотлари ёрдамида таҳлил қилиниб, дарё оқими кўрсаткичлари миқдорий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) материалларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлашда эса умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, уларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** тоғ дарёлари оқимининг ҳосил бўлишида таъсир этувчи омилларни рақамли платформа ёрдамида аниқлаш усуллари, сув индекслари асосида қирғоқ чизиқлари ўзгаришлари ва ГАТ таҳлили асосида оқим кўрсаткичларини баҳолаш имконини берувчи ёндашувлардан фойдаланиш имкониятлари асосланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг **амалий аҳамияти**, тадқиқот давомида олинган асосий хулосалар, сунъий йўлдош ва ГАТ технологиялари асосида тоғ дарёлари оқимига таъсир этувчи омилларни баҳолаш усуллари ва бу жараёнда қўлланилган ёндашувларни бошқа тоғ дарёси ҳавзаларида қўллаш, кузатиш маълумотлари мавжуд бўлмаган дарё ҳавзаларида MNDWI индекси билан вақт кетма-кетлиги тасвирлари асосида дарё оқими кўрсаткичларини баҳолаш, шунинг тадқиқот усулларидан республикамиз олий таълим талабалари ва тадқиқот ишларини сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дарёлар оқимининг шаклланишини географик ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Зарафшон дарёси учун танланган турли сув индексларининг самарадорлигини сунъий йўлдош тасвирлари асосида қиёсий баҳолаш, сув юзаси ва қирғоқ чизиғини ажратишга оид илмий натижалардан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида сув объектлари чегараларини масофадан туриб аниқлаш, қирғоқ чизиғининг кўп йиллик ўзгаришларини кузатиш ҳамда сув юзаси майдонининг динамик ҳолатини баҳолаш ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 30 июньдаги №04/20-3365-сонли маълумотномаси). Натижада сув объектлари чегараларини тезкор ва ишончли аниқлаш ҳамда уларнинг кўп йиллик ўзгаришларини мониторинг қилиш имконияти яратилган;

Google Earth Engine платформаси асосида сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланиб қуруқлик ва сув юзаси чегараларидаги ўзгаришларни субпиксел аниқликда аниқлаш имконини берувчи автоматик алгоритмни ишлаб чиқишга оид илмий натижалардан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида дарё ўзани динамикасини баҳолаш, масофавий мониторинг ишларини автоматлаштириш ҳамда гидрологик кузатувлар аниқлигини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 30 июньдаги №04/20-3365-сонли маълумотномаси). Натижада дарё ўзани силжиши, сув майдонининг қисқариши ёки кенгайишини юқори аниқликда аниқлаш имконини берган;

сув индекси асосида дарё оқимининг вақт қаторлари бўйича кўп йиллик ўзгаришларини визуаллаштирувчи рақамли платформани яратишга оид илмий натижалардан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида сув ресурслари ҳолатини рақамли мониторинг қилиш ва гидрологик маълумотларни таҳлил қилиш ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 30 июньдаги №04/20-3365-сонли маълумотномаси). Натижада Зарафшон дарёси оқимининг кўп йиллик динамикасини интерфаол таҳлил қилиш, сув ресурслари ҳолатини тезкор баҳолаш ҳамда гидрологик маълумотларни рақамли шаклда умумлаштириш имконияти яратилган;

дарё оқимига ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг таъсирини замонавий рақамли платформалар маълумотлари асосида баҳолаш ҳамда

метеорологик кўрсаткичлар ёрдамида оқим кўрсаткичларини миқдорий аниқлашга оид илмий натижалардан Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида сув ресурсларини баҳолаш ва улардан фойдаланишни режалаштириш ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 30 июньдаги №04/20-3365-сонли маълумотномаси). Натижада дарё оқимининг шаклланиш қонуниятларини иқлим омиллари билан боғлиқ ҳолда баҳолаш, сув ресурсларининг йиллик ва мавсумий ўзгаришларини прогнозлаш ҳамда сув тақсимотини илмий асосда режалаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 11 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган. Электрон ҳисоблаш машиналари учун 3 та дастурга муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 106 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги таъкидланиб, унинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, ишнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий шароити, гидрографияси ва оқими ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган **биринчи бобида**, Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий географик шароити, гидрографик тармоқлари ҳамда дарё оқимининг шаклланиш хусусиятлари тадқиқ этилди. Зарафшон дарёси Ўрта Осиёнинг марказий ҳудудларида яшовчи аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Дарё Туркистон, Зарафшон ва Олой тизмалари тоғ тугунида жойлашган Зарафшон музлигидан бошланиб, асосан қор ва музлик сувлари ҳисобига тўйинади (1-расм).




1-расм. Зарафшон дарёси ҳавзасининг тоғли қисми ва тадқиқот объекти


Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий географик шароити ва гидрографик тармоқлари илмий жиҳатдан В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, М.А.Насиров, А.М.Никитин, В.Е.Чуб ва Б.К.Царев, Ф.Х.Хикматов, З.С.Сирлибаева, Л.М.Карандаева, Д.П.Айтбаев, Б.Е.Аденбаев, Ғ.Х.Юнусов, С.А.Хайдаров, Р.Р.Зияев, Д.Н.Ширинбоев, Ш.Р.Ғаниев ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Тадқиқотлар натижасида Зарафшон дарёси ҳавзасида 4200 га яқин дарё ва сойлар мавжудлиги, уларнинг асосий қисми кичик сув оқимларидан ташкил топгани аниқланди. Дарё оқими асосан апрел–сентябр ойларида шаклланиб, йиллик оқимнинг 80–85 % ини ташкил этади. Ҳавзанинг асосий ирмоқлари Мастчоҳдарё, Фандарё, Киштутдарё ва Мағиёндарё бўлиб, улар оқим шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Дарё оқимига иқлимий омиллар таъсирини баҳолаш мақсадида ҳавзанинг тоғли қисмидаги метеорологик станциялар маълумотлари таҳлил қилинди (2-расм).


Таҳлил натижаларига кўра, 1991–2025 йиллар давомида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1961–1990 йилларга нисбатан 0,6–1,5°C га ошганлиги аниқланди. Бу ўзгариш қор ва музликларнинг эрта эришига олиб келиб, дарё оқимининг мавсумий тақсимланишига таъсир кўрсатмоқда. Натижада баҳор ойларида оқим ҳажмининг ортиши, ёз ойларида эса буғланиш жараёнларининг кучайиши ҳисобига сув сарфининг камайиши кузатилмоқда. Вақт ўтиши билан музликлар захирасининг қисқариши дарё оқимининг умумий ресурсларига таъсир кўрсатиши мумкин.


Анзоб метеорология станцияси







Деҳауз метеорология станцияси







Мадрушкент метеорология станцияси





Панжикент метеорология станцияси





1961-1990 йй. 1991-2025 йй.

2-расм. Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган метеорология станцияларида БИД ва ЖИДларда ўртача йиллик ҳаво ҳароратининг ўзгариши


Диссертация ишининг **«Дарёлар гидрологик режимини ўрганиш ва улар оқимини миқдорий баҳолашда масофадан зондлаш усулларини қўллаш»** деб номланган **иккинчи бобида** дарёлар гидрологик режими ва улар оқимини баҳолашда замонавий масофадан зондлаш (remote sensing) усулларининг илмий-амалий аҳамияти ёритилган.

Дарё оқимини баҳолаш ва мониторинг қилишда масофадан зондлаш технологиялари кенг қўлланилиб, ушбу технологиялар дарё оқими, сув сатҳи, музликлар ва сув ресурсларининг мавсумий ҳамда кўп йиллик ўзгаришларини таҳлил қилишда юқори самарадорликка эга. Масофадан зондлашнинг илмий асослари С.С.Шульц, Г.П.Калинин, И.Г.Шумков ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда Landsat, Sentinel ва MODIS сунъий йўлдош маълумотлари сув объектларини мониторинг қилишда кенг қўлланилмоқда.


Сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлашда Google Earth Engine (GEE) ва USGS EarthExplorer платформалари муҳим аҳамиятга эга. USGS EarthExplorer тасвирларни қидириш ва юклаб олиш, Google Earth Engine эса катта ҳажмдаги геомаълумотларни онлайн муҳитда қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Тадқиқотда Зарафшон дарёси ҳавзаси Google Earth Engine муҳитида белгиланиб, кейинги фазовий таҳлиллар учун ҳудудий маска яратилди. Сунъий йўлдош тасвирлари сифатида Landsat 5, 7 ва 8 архив маълумотлари танланди. Таҳлил учун 1990–2022 йиллар оралиғи қабул қилиниб, асосан июль ойи кесимидаги тасвирлардан фойдаланилди. Барча тасвирлар WGS84 координата тизимига мослаштирилди. Тасвирлар таҳлилдан аввал атмосфера таъсиридан тозаланган ҳамда геометрик жиҳатдан тўғриланган маълумотлар асосида қайта ишланди. Бу эса турли йилларга тегишли тасвирларни ўзаро таққослашда натижаларнинг ишончлилигини таъминлади.


Турли Landsat сенсорларининг спектрал каналлари ягона стандартга келтирилиб, Blue, Green, Red, NIR, SWIR1 ва SWIR2 кўринишида бирхиллаштирилди. Бу ёндашув барча йиллар учун индексларни, жумладан MNDWI ни бир хил алгоритм асосида ҳисоблаш имконини берди. Сув объектларини ажратишда MNDWI индекси қўлланилиб, чегаравий қиймат қабул қилинди. Шу асосда сув пикселлари ажратилиб, шовқинлар тозаланди ва қирғоқ чизиғи аниқланди. Кейин ҳар бир пиксел майдони ee.Image.pixelArea() функцияси орқали ҳисобланиб, сув билан қопланган ҳудуд қатлами билан кўпайтирилди ва reduceRegion() функцияси ёрдамида умумий сув юзаси майдони аниқланди. Натижада ҳар бир йил учун сув юзаси км² кўринишида ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоблаш жараёни Google Earth Engine муҳитида автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилди, бу эса катта ҳажмдаги маълумотларни қисқа вақт ичида қайта ишлаш имконини берди. Олинган натижалар GeoTIFF форматда Google Drive’га экспорт қилиниб, кейинчалик ArcMap дастурида картографик таҳлил қилинди (3-расм).




a) 1990, 1992, 1994, 1996 йй.



b) 1998, 2000, 2002, 2004 йй.




c) 2006, 2008, 2010, 2012 йй.



d) 2014, 2016, 2018, 2020 йй.


3-расм. Зарафшон дарёсининг июль ойида тадқиқот ҳудудидаги сув юзаси майдонининг ўзгаришлари

1990–2022 йиллар таҳлили сув сарфи (Q) ва сув юзаси майдони (F) ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. MNDWI индекси асосида сув билан қопланган ҳудуд қатлами ажратилиб, ee.Image.pixelArea ва reduceRegion функциялари орқали сув юзаси майдони ҳисобланди. Олинган натижаларни визуаллаштириш ва таҳлил қилиш учун махсус рақамли платформа ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Зарафшон дарёси қирғоқ чизиғи ўзгаришларини мониторинг қилиш платформаси


Дарё оқимини сув индекси асосида аниқланган қирғоқ чизиғи ўзгаришларига боғлиқ ҳолда сув сарфининг ўзгаришлари ҳам унга боғлиқлигини кўрсатди (5-расм).



5-расм. Зарафшон дарёсининг Дупули ва Равотхўжа гидропостларида ўлчанган сув сарфлари (Q_{VII}) ва сув юзаси майдони (F) динамикаси (1990-2022 йй.)

Натижаларнинг ишончлилигини янада текшириш мақсадида сув сарфи (Q) динамикаси Дупули гидрологик пости маълумотлари билан бир қаторда, қўшимча равишда Равотхўжа гидрологик пости маълумотлари асосида ҳам таҳлил қилинди. Иккала гидропост бўйича ҳам 1990–2022 йилларнинг тўлиқ 33 йиллик қатори асосида сув сарфи (Q) ва сув юзаси майдони (F) ўртасидаги боғлиқлик корреляцион-регрессион таҳлил усулида баҳоланди.

F ва Q ўзгарувчилари орасидаги боғлиқликнинг зичлик даражасини кўргазмали кўрсатиш мақсадида, ҳар икки гидропост бўйича алоҳида регрессион боғлиқлик графиги тузилди (6-расм).



6-расм. Зарафшон (Дупули, Равотхўжа) дарёси июль ойи сув сарфлари (Q_{VII})билан сув юзаси майдони (F) орасидаги боғланиш

6-расмдан кўринадики, иккала гидропост учун ҳам сув сарфи ва сув юзаси майдони ўртасида зич боғланиш олинди (мос равишда r=0,79 ва r=0,78; r/Er ≫ 3). Демак, Дупули гидропости маълумотлари бўйича олинган боғланиш тасодифий эмас ва Равотхўжа гидропости маълумотлари билан ҳам тасдиқланади. Корреляция коэффициентлари бўйича июль ойи сув сарфлари тебранишининг 60 % дан ортиқ қисми сув юзаси майдонининг ўзгариши билан тушунтирилади. Қолган қисми эса бошқа омиллар (оқим чуқурлиги ва тезлигининг ўзгариши, тасвир олинган кундаги сув сарфининг ойлик ўртача қийматдан фарқи) билан боғлиқ. Иккала гидропостда яқин натижалар олингани сунъий йўлдош тасвирлари асосида аниқланган сув юзаси майдонидан дарё сув сарфини баҳолашда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.


Тенгламани баҳолаш учун маълумотлар қатори калибровка (1990–2012 йй., n=23) ва валидация (2013–2022 йй., n=10) даврларига ажратилди. Регрессия тенгламалари фақат калибровка даври маълумотлари бўйича тузилди ва улар ёрдамида валидация даври учун сув сарфи ҳисобланиб, ўлчанган қийматлар билан солиштирилди. Бу тенгламанинг ҳисоблашда иштирок этмаган йиллар учун қанчалик тўғри натижа беришини текшириш имконини берди. Валидация натижалари бу боғланиш гидрологик постлар кузатувларининг ўрнини боса олмаслигини кўрсатди. Ундан фақат кузатув маълумотларини тўлдирувчи қўшимча усул сифатида фойдаланиш

мумкин. Олинган тенгламалардан кузатувлар узилиб қолган йиллар ёки гидропост бўлмаган дарё қисмлари учун сув сарфини тахминий баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг **учинчи боби «Зарафшон дарёси оқимига иқлимий омилларнинг таъсирини геоахборот маълумотлари асосида»** деб номланади. Ушбу бобда Зарафшон дарёси ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг ҳудудий ҳамда вақт бўйича ўзгариши геоахборот маълумотлари асосида таҳлил қилиниб, уларнинг дарё оқимига таъсири баҳоланди. Натижада иқлимий омиллар билан дарё оқими ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланди.

Тадқиқотда Зарафшон дарёси ҳавзасининг тоғли қисмида жойлашган Анзоб довони, Деҳауз, Мадрушкент ва Панжикент метеорология станциялари маълумотлари танланиб, улар асосида 1990–2024 йиллар кесимида ҳарорат режими таҳлил қилинди. Натижалар ҳаво ҳароратининг мутлақ баландликка боғлиқ ҳолда қонуниятли камайишини кўрсатди. Жумладан, Панжикент станциясида ўртача йиллик ҳарорат 13,9°C ни ташкил этган бўлса, Мадрушкентда 8,2°C, Деҳаузда 4,8°C ва Анзоб довонида -1,7°C гача пасайиши аниқланди. Бу ҳавзада вертикал термик градиентнинг шаклланганлигини ва баланд тоғли ҳудудларда манфий ҳароратлар устунлигини кўрсатади.


Шунингдек, ҳаво ҳарорати ва сув сарфи ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилиниб, айрим йилларда ҳароратнинг кўтарилиши сув сарфининг ортиши билан мос келиши кузатилди. Масалан, ҳарорат юқори бўлган йилларда дарё оқими ҳам нисбатан юқори қийматларга эга бўлган (7-расм).



7-расм. Зарафшон дарёси ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва сув сарфларининг йиллараро тебранишлари (1990–2022 йй.)


Бу ҳолат қор ва музликлар эриши жараёнлари билан изоҳланади. Бироқ, дарё оқими шаклланишида ёғин миқдори ва бошқа гидрометеорологик омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этиши аниқланди. Ҳаво ҳароратидан ташқари, дарё оқимининг шаклланишида атмосфера ёғинлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳавзага ёққан ёғин миқдори ва дарё сув сарфлари

йиллар бўйича сезиларли тебранишларга эга бўлиб, уларнинг ўзаро муносабати турли йилларда турлича намоён бўлди. Ёғин кўп бўлган айрим йилларда сув сарфи ҳам ортган, бу ёғинларнинг оқим ҳажмига бевосита таъсирини кўрсатади. Бироқ баъзи йилларда ёғин ўртача ёки кам бўлишига қарамай, сув сарфи юқори бўлган. Бу ҳолат ҳарорат кўтарилиши натижасида қор ва музликларнинг жадал эриши билан изоҳланади. Мавсумий таҳлиллар ёғин максимуми баҳор ойларига тўғри келиб, қор эриши даври билан мос тушишини кўрсатди. Демак, Зарафшон дарёси оқими фақат ёғин миқдори билан белгиланмайди, балки ҳаво ҳарорати, қор ва музликлар эришининг биргаликдаги таъсири остида шаклланади (8-расм).



8-расм. Ҳавзага ёққан атмосфера ёғинлари ва дарё сув сарфларининг йиллараро тебраниши (1990–2022 йй.)

Юқори тоғли ҳудудларда кузатувлар етарли эмаслиги сабабли, ClimateCharts.net платформаси маълумотлари асосида ҳаво ҳарорати ва ёғин кўрсаткичлари баҳоланди. Корреляцион-регрессион таҳлил натижаларига кўра, ҳарорат ва дарё оқими ўртасидаги боғлиқлик музлик зонасида энг юқори R^2=0.9294, Деҳаузда R^2=0.8779 ва Панжикентда R^2=0.5288 ни ташкил этиб, юқори тоғларда оқим асосан қор ва музликлар эриши ҳисобига шаклланиши тасдиқланди (9-расм).




a) Дупули гидропости ва музлик b) Дупули гидропости ва Деҳауз МС

9-расм. Сув сарфлари билан ҳавзанинг турли баландликларидаги ҳаво ҳарорати ўртасидаги боғлиқлик

Таҳлиллар ҳарорат ўзгариши билан сув сарфи динамикаси ўртасида вақт бўйича кечикиш (lag effect) мавжудлигини кўрсатди. Мазкур ҳолат музлик ва қор эришидан ҳосил бўлган сувларнинг дарёнинг юқори ҳавзасидан гидропостгача етиб келиши учун зарур бўлган вақт билан изоҳланади. Ушбу қонуният инобатга олинган ҳолда дарё оқимининг асосий гидрологик тавсифлари – оқим ҳажми, оқим модули, оқим қатлами ва оқим коэффициенти ҳисобланди.

Ҳисоблаш натижалари, дарё оқимининг йилларараро сезиларли даражада ўзгарувчан эканлигини кўрсатди. Хусусан, модуль коэффициенти асосида айрим йиллар сувли (K>1), айрим йиллар эса кам сувли (K<1) эканлиги аниқланди (10-расм).



10-расм. Зарафшон дарёсининг платформадан олинган маълумотлар асосида июль ойи учун аниқланган модуль коэффициентининг ўзгариши (K>1, K<1)

1990–2022 йиллар учун ҳисобланган модуль коэффициентлари Зарафшон дарёсининг июль ойи оқими кўп йиллик даврда барқарор эмас, балки табиий-иқлимий шароитларга мос равишда ўзгарувчан хусусиятга эга эканлигини кўрсатди. K коэффициентининг 0,83–1,35 оралиғида ўзгариши айрим йилларда камсувли, айрим йилларда эса нисбатан серсув шароитлар шаклланганини кўрсатади. Мазкур натижалар Зарафшон дарёси оқимининг кўп йиллик динамикасини баҳолаш, сув ресурсларининг йиллар бўйича ўзгаришини аниқлаш ҳамда ҳавзада сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни бошқариш чораларини илмий асослашда аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

1. Зарафшон дарёси ҳавзасида оқим шаклланишининг гидрометеорологик шароитлари таҳлил қилиниб, дарёнинг қор-музлик манбасидан тўйиниши ва йиллик оқимнинг 80–85 % қисми тўлинсув даврига тўғри келиши асосланди. 1991–2025 йиллар маълумотлари бўйича ҳавзада ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1961–1990 йилларга нисбатан 0,6–1,5°C га ортгани аниқланди. Бу ўзгариш қор-музлик манбасидан тўйинадиган

оқимнинг мавсумий тақсимланишига таъсир этувчи асосий иқлимий омил ҳисобланади.

2. Гидрологик кузатувлар тармоғи сийрак бўлган тоғли ҳавза шароитида дарё режимини ўрганиш учун Landsat сунъий йўлдош тасвирлари ва Google Earth Engine платформасига асосланган ГАТ ёндашуви қўлланилди. Ушбу ёндашув 1990–2022 йиллар учун сув юзаси динамикасини узлуксиз баҳолаш имконини бериши кўрсатилди.

3. NDWI ва MNDWI спектрал индекслари асосида дарё сув юзаси майдони аниқланиб, у гидрологик пост маълумотлари билан таққосланди. Натижада сув сарфи ва сув юзаси майдони ўртасида мусбат боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бу эса сув юзаси майдонидан дарё оқимини баҳолашда билвосита кўрсаткич сифатида фойдаланиш мумкинлигини асослайди.

4. Июль ойи сув сарфи (323–624 $м^3/с$) билан сув юзаси майдони (4,83–7,35 $км^2$) ўртасидаги регрессион боғлиқлик тузилиб, калибровка (1990–2012 йй.) ва валидация (2013–2022 йй.) даврлари бўйича синовдан ўтказилди. Боғлиқлик Дупули ($r=0,79$) ва Равотхўжа ($r=0,78$) гидропостлари учун статистик жиҳатдан ишончли эканлиги ($r/Er \gg 3$) тасдиқланди. Бу боғлиқлик масофадан зондлаш маълумотлари асосида сув сарфини баҳолашда гидрологик постлар маълумотларини тўлдирувчи восита сифатида тавсия этилади.

5. Ҳавзада ҳаво ҳароратининг вертикал тақсимланиш қонунияти аниқланди: 1015–3373 м баландлик оралиғида ўртача йиллик ҳарорат 13,9°C дан –1,7°C гача пасайиб, вертикал градиент тахминан 0,66°C/100 м ни ташкил этади. ClimateCharts.net платформаси маълумотларининг станция кузатувлари билан фарқи 0,1–0,5°C ни ташкил этди. Бу эса кузатувлар етарли бўлмаган баланд тоғли ҳудудларда ушбу маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

6. Сув сарфи ва ҳаво ҳарорати ўртасидаги экспоненциал боғлиқлик баландлик ортиши билан кучайиши аниқланди: детерминация коэффициенти Панжикентда $R^2=0,53$, Деҳаузда $R^2=0,88$, музлик зонасида $R^2=0,93$ ни ташкил этди. Бу натижа юқори тоғли қисмнинг оқим шаклланишидаги етакчи ролини миқдорий жиҳатдан тасдиқлайди. Ҳарорат ўзгариши ва сув сарфи динамикаси ўртасида вақт бўйича кечикиш (lag effect) мавжудлиги аниқланди. Ёғин ва сув сарфи ўртасидаги боғлиқлик эса йиллар бўйича барқарор эмаслиги кўрсатилди.

7. 1990–2022 йиллар учун июль ойи оқимининг асосий гидрологик тавсифлари ҳисобланди: модуль коэффициенти 0,83–1,35 оралиғида ўзгариб, энг юқори қиймат 1998 йилда қайд этилди; оқим модули 39,2–63,7 $л/с \cdot км^2$, оқим қатлами 105,1–170,8 мм ни ташкил этди.

Сувли ва кам сувли йилларнинг навбатма-навбат алмашиниши ҳамда кўп йиллик трендда кучсиз ортиш тенденцияси аниқланди. Олинган натижалар ҳавза сув ресурсларини баҳолаш ва сув хўжалиги тадбирларини режалаштиришда қўлланилиши мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ШАРОФА РАШИДОВА

ХУДОЯРОВА ШАҲНОЗА ШАВКАТОВНА

ОЦЕНКА ФОРМИРОВАНИЯ РЕЧНОГО СТОКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ (НА ПРИМЕРЕ РЕКИ ЗЕРАВШАН)

11.00.03-Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент-2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.3.PhD/Gr272.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.nigmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Хайдаров Сафарбой Абдирашитович** доктор философии (PhD) по географическим наукам, доцент
Официальные оппоненты:	**Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович** география фанлари доктори, профессор
	Рапиқов Баркамол Рустамжон ўғли доктор философии (PhD) по географическим наукам, доцент
Ведущая организация:	**Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»**

Защита диссертации состоится «3» декабря 2026 г. в 10^{00} часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.18/2025.27.12. Gr.02.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: 71 235-85-12, факс: 71 237-13-19, E-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирована за № 241). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: 71 235-85-12, факс: 71 237-13-19, E-mail: info@nigmi.uz).

Автореферат диссертации разослан «9» ноября 2026 года.
(Реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2026 года).

Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.г.н., профессор

Б.Э.Нишонов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.т.н., старший научный сотрудник

Д.М.Турғунов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях происходящего в мире глобального изменения климата в гидрологическом режиме бассейнов горных рек наблюдаются существенные изменения: интенсифицируется таяние снега и ледников, отмечаются определённые изменения в сезонном и многолетнем распределении речного стока. В связи с этим в Докладе Организации Объединённых Наций о состоянии водных ресурсов мира отмечается, что «...во многих странах мира пресноводные экосистемы, в частности реки и озёра, подвергаются сильной деградации»[1]. Возможности географических информационных систем (ГИС) и технологий дистанционного зондирования в количественной оценке стока горных рек, а именно получение данных высокой точности, оперативное выявление территориальных изменений и анализ многолетней динамики, обусловливают необходимость проведения научных исследований, направленных на количественную оценку стока горных рек и изучение тенденций его изменения на основе современных методов.

В аридных регионах мира в настоящее время количественная оценка стока горных рек под влиянием климатических факторов, а также точный расчёт показателей стока по речному бассейну рассматриваются как одно из приоритетных направлений. В связи с этим широко проводятся научные исследования, направленные на совершенствование методов оценки речного стока и анализ показателей стока на основе данных цифровых платформ. В частности, особое внимание уделяется исследованиям, направленным на определение речного стока с использованием технологий геоинформационных систем, количественную оценку на этой основе водных ресурсов, а также их рациональное использование и охрану.

В нашей республике осуществляется ряд мероприятий по рациональному управлению водными ресурсами, эффективному использованию стока горных рек и эксплуатации систем водоснабжения, и достигнуты определённые положительные результаты. В частности, в Стратегии «Узбекистан – 2030» определена задача «разработка долгосрочного баланса водных ресурсов республики и внедрение системы установления его постоянного мониторинга»[2]. В этой связи исследования, направленные на количественную оценку стока реки Зеравшан на основе ГИС-технологий, определение показателей стока с использованием данных дистанционного зондирования и цифровых платформ, а также совершенствование методов расчёта баланса водных ресурсов, имеют важное научное и практическое значение.

---

[1] Three reports on freshwater from UN-Water and the United Nations Environment Programme (UNEP). Nairobi, 28 august 2024. https://www.unep.org/news-and-stories/press-release/half-worlds-countries-have-degraded-freshwater-systems-un-finds

[2] Указ Президента Республики Узбекистан О Стратегии «Узбекистан – 2030» от 11 сентября 2023 года № УП-158. https://Lex.uz.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года № УП-6024 «Об утверждении Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы», от 7 мая 2024 года № УП-74 «Об определении приоритетных направлений внедрения и развития современной системы управления в водном хозяйстве», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 16 сентября 2025 года № ПП-286 «О мерах по дальнейшему ускорению внедрения цифровых технологий в регионах, сферах и отраслях республики», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28 августа 2025 года № 545 «Об утверждении Положения о порядке составления водохозяйственных балансов в Республике Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, относящимися к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Вопросы количественной оценки стока горных рек, анализа изменений в водных бассейнах и мониторинга водных объектов с использованием современных технологий географических информационных систем (ГИС) рассматривались в работах таких зарубежных учёных, как I.Alberico, E.H.Boak, I.L.Turner, S.Maiti, S.K.McFeeters, A.K.Mishra, V.P.Singh, S.A.White, Y.Wang.

В странах бывшего Союза и СНГ исследованиям в данных направлениях уделяли особое внимание С.С.Шульц, И.Г.Шумков, Г.П.Калинин, Ю.В.Курилова, А.М.Комлев, И.Ш.Норматов, П.И.Норматов, Ф.А.Шарофзода и другие.

Первые исследования в этой области в Узбекистане принадлежат таким учёным, как В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, Л.Н.Бабушкин, В.А.Бугаев, А.М.Овчинников, В.Е.Чуб. В настоящее время исследования, посвящённые данным проблемам, проводят Ф.Х.Хикматов, Б.К.Царев, Э.И.Чембарисов, С.В.Мягков, Б.Е.Аденбаев, Г.Х.Юнусов, Ф.Я.Артикова, Л.М.Карандаева, С.А.Хайдаров, Д.Н.Ширинбоев, Р.Р.Зияев, Ш.Р.Ганиев и другие. В этих исследованиях проанализированы влияние климатических факторов на формирование речного стока, закономерности формирования стока и его изменения.

Данная исследовательская работа отличается от предыдущих исследований тем, что посвящена количественной оценке стока реки Зеравшан, анализу влияния климатических факторов, в том числе температуры воздуха и атмосферных осадков, на речной сток, а также оценке показателей стока в бассейне реки посредством цифровых платформ на основе географических информационных систем.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ кафедры геологии и гидрометеорологии факультета географии и экологии Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова на 2026–2030 годы. Оно относится к главной научной теме «Прикладные направления современных научных исследований в Новом Узбекистане: проблемы рационального использования недр, изменение климата и адаптация к нему, интегрированное управление водными ресурсами и современные проблемы геоинформационной картографии». Работа выполнена по направлению этой темы, посвящённому оценке современного состояния водных ресурсов в бассейне реки Зеравшан, а также мониторингу и оценке показателей речного стока на основе геоинформационных технологий, данных дистанционного зондирования и цифровых платформ.

Целью исследования мониторинг и количественная оценка показателей стока реки Зеравшан посредством геоинформационных систем, а также оценка их изменений, связанных с климатическими факторами.

Задачи исследования:

применение водных индексов NDWI и MNDWI для выделения водных объектов при анализе изменений береговой линии в горной части реки Зеравшан на основе спутниковых снимков, а также оценка их эффективности;

определение изменений береговой линии реки за 1990–2022 годы на основе мультиспектральных спутниковых снимков, а также разработка алгоритма автоматического расчёта площади водной поверхности с отслеживанием динамики границ «вода–суша» на платформе Google Earth Engine;

